

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки томонидан

2026 йил “6” март да

44/7 - сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Бошқарув Раиси Биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев



М.ў.

“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ва ҚЎШИМЧАЛАР

2026 йил «18» февралдаги

“Трастбанк” ХАБ

Акциядорларининг навбатдан ташқари
йиғилишининг 63-сон баённомаси билан

ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув
Кенгаши Раиси



Т.М. Шарипов

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 27 банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Устав капиталини қўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 1 000 250 000 (Бир миллиард икки юз эллик минг) дона, жумладан:

Оддий акциялар – 1 000 227 000 (Бир миллиард икки юз йигирма етти минг) дона;

Имтиёзли акциялар – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.

2. 46 банди қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

Бунда банк ходимлари банк томонидан жорий қилинадиган акциялар бирламчи оммавий жойлаштирилганда ходимларнинг акцияларга эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

3. 74 банди қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобиль телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади.

4. 77 бандидаги “15 (ўн беш)” деган сўзлар “100 (бир юз)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 97 банди қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

Банк овоз берувчи акцияларининг эллик фоизидан ортиғига эгалик қилувчи ёхуд овоз берувчи акциялари миқдори банкнинг бошқа ҳар бир акциядори улушига нисбатан кўп бўлган ҳамда овози қарор натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган акциядор мажоритар акциядор деб эътироф этилади.

Агар мажоритар акциядорга қарорлар банкнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар келтириши олдиндан аён бўлса, у мазкур қарорларни шахсий манфаатларини ҳисобга олиб қабул қилмаслиги, банк бошқарув органларининг йиғилиши кун тартибига банкнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига мос келмайдиган масалаларни ёки ҳал этилиши банкнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар етказиши олдиндан маълум бўлган масалаларни киритмаслиги шарт.

Банкнинг мажоритар акциядори ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик натижасида банкга ва бошқа акциядорларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

6. 125 бандининг биринчи қисмидаги “9 (тўққиз)” деган сўзлар “10 (ўн)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 138 бандида:

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Банк кузатув кенгаши аъзоси, Бошқарув Раиси ёки Бошқарув аъзоси банкка чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд фидуциар мажбуриятларни бажармаслиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

қўйидаги мазмундаги туртинчи ва бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

Банк кузатув кенгаши аъзоларининг, Банк Бошқаруви Раиси ва бошқарув аъзоларининг фидуциар мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат қилиб, акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланишни;

банк мол-мулкидан банкнинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) кузатув кенгашининг қарорларисиз, шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл қўймасликни;

банкнинг бизнес имкониятларидан ёки банк учун манфаатли бўлган объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга кўмаклашиш мақсадида фойдаланмасликни;

банкнинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини банкнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмасликни;

қонунчиликка, банкнинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ банк фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликни;

ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкий манфаатдор бўлмасликни.

Қонунчиликда, ва ички ҳужжатларида банк кузатув кенгаши аъзоларининг, банк Бошқаруви Раиси ва бошқарув аъзоларининг бошқа фидуциар мажбуриятлари белгиланиши мумкин.

туртинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин.

**Банк Кузатув
Кенгаши Раиси**



Т.М. Шарипов

Tikilgan va raqamlangan

13 (o'n uch)

varaقدan iborat

2026-yil

6 - mart

Imzo

